



Хаёт гайритабиий ходисаларга бой. В. Вернадский: «Чинакам илмий иш хар калай умумий хулоса эмас, балки тажриба, тахлил, мезон, янги фактдир», деб таъкидлаган бўлса, сталинча тарихшунослик эса масалани осонликча хал килади. Яъни, фактларни улоктириб, тахлилни имкон борида соддалаштиради, аникроги, уни атайлаб «ўзгармас», сохта акида билан алмаштиради. Кейинчалик «умумий хулосалаш» доираси кенгайиб боради, акидалар бир оз «юмшайди». Хакикий, хаётий тарихий материал тайёр колипга солинаверади, колипга сигмаган нарсга хакида лом-мим демай кетаверилади...

Маълумки, 1920 йил 12 январда Туркистон Компартиясининг V Ўлка курултойи очилган. Курултойда Рискулов гурухи, хозирги кунда ишлатилаётган ибора билан айтганда, делегатларнинг «малакали» кўпчилиги ёрдамида Туркистон Коммунистик партияси номини Турк Коммунистик партияси деб, Туркистон мухтор жумхуриятини эса «РСФСРнинг Турк жумхурияти» деб ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилинишига эришган. Кўриб турибмизки, бу ҳаракатда марказдан қочишга, яъни совет Россиясидан ажралиб чиқишга интилиш тўғрисида гап йўқ.

Расмий тарих фани ҳам «Турк шўро жумхурияти ва Турк Компартияси хақидаги таклиф илк бор муҳокама қилинганда, ушбу масаланинг кун тартибига қўйилиши ижобий сиёсий далиллар келтирилиб асосланганлигини қайд қилмасликнинг иложи йўқ», деб тан олади. Аммо кейинчалик акида фактлардан устун қелиб, асосий сиёсий далил нимагадир мана бу тарзда шубҳа остига олинадиган, «...чунки у (Рискулов) таъкидлаб ўтганидек, бу ердаги аҳолининг кўпчилиги турклар эмиш». Мана шу «эмиш» деган кинояда гап кўпга ўхшайди!..

Холбуки, Рискулов программасига дастлаб ҳатто РКП(б) Марказий кўмитасининг Турккомиссияси аъзолари ҳам рози бўлган эдилар. Ш. Элиава ва В. Куйбишев рози бўлишган, Ф. Голошченкин иккилашиб турган. Я. Рудзутак қарши чиққан. Аммо бундан хабар топган М. Фрунзе зудлик билан Тошкентга етиб келади ва Турккомиссиянинг махсус фавкулудда мажлисида Т. Рискуловни қаттиқ танқид қилади, ҳатто уни «совет ҳокимиятининг душмани», деб атайди.

Курултойга таклиф қилинган тезисларда бундай дейилган эди:

I. Бешта вилоятдан ташкил топган Туркистон туркий халқларнинг қирғиз, сарт, ўзбек, туркман, қорақалпоқ, қипчоқларнинг ватани, деб ҳисоблансин, қелиб чиқиши турклардан

бўлмаган тожиклар ҳам шунга киради... Туркистон республикаси миллий совет жумхурияти деб хисоблансин, бу ерда ўз тақдирини ўзи белгилайдиган туб халк — турк халки, деб тан олинсин...»

Мана шу «советларга қарши» программа, юқорида айтиб ўтганимиздек, қабул қилинган эди. Курултой делегатлари ягона жумхурият компартиясининг вакилларида иборат эмасди. Шундай бўлса-да, программа қабул қилинди. Аксинча, мана шу курултойда юқорида айтиб ўтилган қарор билан бир вақтда, ниҳоят, ягона компартия тузишга қарор қилинди. Бу таклиф ҳам Рискулов гуруҳи ва унинг бошлиғидан чиқди. Учта ўлка ташкилоти бўлишига йўл қўйиб бўлмаслигини қайд қилиб, Т. Рискулов бундай деган эди: «Шу билан бирга, мусулмонлар Мусбюрога, чет элликлар чет эллик коммунистлар кўмитасига бўйсундилар ва шу вақтдан ўлка кўмитаси ўз аҳамиятини йўқотади».

Шу сабабдан Турк Коммунистик партиясини тузиш зарур эди, бу эса омма «мусулмон коммунистлар ташкилотларининг аҳамияти инкор этилмаслигини» тушуниб олишига қисман ёрдам берган бўлур эди.

Бу тезисларни ҳам курултой, ҳам Турккомиссиянинг юқорида номлари санаб ўтилган аъзолари қўллаб-қувватладилар. Бирок февраль ойининг охирига келиб, М. Фрунзе ва Я. Рудзутақ федератив жумхурият тузишни «ўлка аҳолисининг бирон-бир асосли талаб ва эҳтиёжи тақозо қилаётгани йўқ», деб даъво қилдилар.

Шу аснода вазият чигаллашди ва кескинлашди. Элиава ва Куйбишев кийин ахволда қолдилар. Ўз-ўзидан, нима қилиш керак, қандай жавоб қайтариш керак, бу ҳақда В. И. Ленин нима дейди? — деган савол тугилади. Ш. Элиава «Туркесепублика» масаласидаги қелишмовчилик тўғрисида РКП(б) МК га батафсил хабар берди. ВКП(б) МК Сийёсий бюроси Элиаванинг хатини зудлик билан қўриб чиқиб, 1920 йил 8 мартда «...мухтор жумхуриятнинг коммунистик партияси турк компартияси деб эмас, балки Туркистон Компартияси деб аталсин», деган қарор чиқарди.

Айни замонда МК «Туркистон мухторияти тўғрисида низом» қабул қилди (шуни қайд қилиб ўтамизки, бу билан МК қонун чиқарувчи ташкилот ва ҳукуматнинг вазифасини бажарди). Мунозара давомида Н. Тўракуловнинг Туркистонни зудлик билан миллий жумхуриятларга бўлиш тўғрисидаги таклифи ўртага ташланди. Турккомиссия раҳбарияти бу таклифни, бир томондан «ошқора миллатчилик руҳидаги интилишларга қарши таклиф», деб баҳолади. Аммо бошқа томондан, «Турккомиссия аъзолари В. В. Куйбишев ва Ш. Элиава Туркистонни бир неча миллий жумхуриятларга бўлиш мумкинлигини асосан рад этмасалар-да, фуқаролар уруши давом этаётган, малакали кадрлар етишмаётган бир вақтда, ушбу масалани ҳал қилиш шу куннинг шиори бўлиши мумкин эмас, жумхуриятлар тўғрисидаги қарорни зудлик билан ҳаётга татбиқ қилиш Туркистондаги жамики ишларда бошбошдоклик тугдиради ҳамда шак-шубҳасиз барча жумхуриятларимиздаги ашаддий миллатчилик руҳидаги юқори қатламларга қўл келади», деб билдилар.

Қўриб турганимиздек, ҳар икки ҳолда ҳам, марказ миллатчиликдан чўчиган, бу эса масала боши берк қўчага қириб қолишига сабаб бўлган. Бу масалани қандай ҳал қилиш

мумкин эди? Ўтмишга айланган масалани хал килишга киришмай (масала яхшими, ёмонми хал килинганлигини — Туркистон жумхуриятларга бўлиб юборилганлигини биламиз) бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчимиз: Бизнингча, асосий масала ўша вақтда ўртага ташланган таклиф эмас, балки масаланинг моҳиятидир. Буни Рискулов гуруҳи тезисларининг муаллифларидан бири бўлмиш Ю. Алиев аниқ ифода қилган: «Агар биз Туркистонни Турк жумхурияти деб атасак, бу билан ўз тақдиримизни ўзимиз белгилашга бўлган ҳаракатимизни кўрсатган бўламиз ва сиёсатни енгиллаштирамиз». Ҳозирги кунда ҳам долзарб бўлган масала шундай эмасми?

Масаланинг моҳияти мана шунда эди, шунинг учун ҳам Т. Рискулов бошлик кўпчилик коммунистлар РКП (б) МК Сиёсий бюросининг қарорига қўшила олмаган эдилар. Т. Рискулов гуруҳи бундай қарорга келишда нимага таянганлигини, нимадан умид қилганлигини жиддий ўйлаб кўриш керак. Юқорида айтиб ўтилган «ижобий» далил, аниқроғи, уларнинг ҳақиқий далили нимадан иборат эди?

Бу саволга жавоб бериш учун В. И. Ленин ва сафдошларининг миллий масалага доир асосий фикрларига қайтишга тўғри келади. 1914 йилдаёқ В. И. Ленин миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи масаласини кўтариб чиққан эди. Маълумки, умуман, бу фикр Лениннинг Октябрдан олдинги кўпдан-кўп асар ва нутқларида асосий ўринни эгаллайди. В. И. Ленин РСДРП(б)нинг VII Бутунроссия конференциясида сўзлаган муҳим тарихий нутқида бундай деган эди: «Бизда Милюков ўтириб олиб, Родичевни Финляндияга юборар экан, ва бу Родичев фин халқи билан ҳаёсизларча савдолашар экан, биз бундай деб айтамиз: «Рус халқи, Финляндияга зўровонлик қилма; бошқа халқларга зулм қилувчи халқнинг ўзи озод бўлиши мумкин эмас».

Бу гоё Ленин ҳокимият тепасига келгандан кейин, қабул қилинган бир қанча қонун қучига эга ҳужжатларда ўз аксини топди. «Россия халқлари ҳуқуқлари декларацияси»да Россия халқларининг ажралиб чиқиб, мустакил давлат тузишгача бўлган ўз тақдирларини ўзи белгилаш ҳуқуқи тан олинди, ҳар қандай миллий, диний имтиёз ва чеклашлар бекор қилинди. Россия ҳудудида майда миллатлар ва этник гуруҳлар эркин ривожланиши эълон қилинди.

Янги миллий сиёсатга ва миллий давлат тузумига ҳудди мана шу ўз тақдирини ўзи белгилаш асос қилиб олинган, бу нарса машҳур «Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига» мурожаатда яна бир бор баралла янгради. Унда «сизнинг дин ва урф-одатларингиз, сизнинг миллий ва маданий муассасаларингиз бундан буён эркин ва дахлсиз», деб эълон қилинади. Ўз миллий турмушингизни эркинлик билан ва баҳузур туза берингиз. Шундай қилишга ҳақлисиз», деб алоҳида таъкидланади.

Алқиса, инкилобга тайёргарлик даврида, инкилоб даврида миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи ҳақида, гарчанд умуман бўлса-да, гапирилган. Бирок, 1918 йилдан бошлаб, В. И. Ленин ва сафдошлари ушбу гоёни бошқа томонга буриб юбордилар: Ҳар бир миллат фақат «совет тартиблари асосида» ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга.

Бу ибора ҳамма жойда, РКП(б) қарорларида, партия раҳбарларининг нутқларида, маҳаллий ходимларга ва жойлардаги марказ вакилларига юбориладиган йўл-йўриқларда

эслатиладиган бўлиб колди.

Ха, В. И. Ленин ва И. Сталин 1918 йил 22 апрелда «Тошкентда бўлаётган Туркистон ўлкаси Советларий съездига, Туркистон ўлкаси Халк Комиссарлари Советига мурожаат қилиб бундай деб ёзган эдилар: «Халк Комиссарлари Совети ўлкангизнинг совет тартиблари асосида автономия бўлишини қўллаб-қувватлайди, бунга кўнглингиз тўқ бўлсин, сизларнинг ташаббусингизни табриклаймиз ва шунга каттик ишонамизки, сизлар бутун ўлкада советларнинг кенг тармоғини вужудга келтирасиз, мавжуд Советлар билан тўла ҳамкорликда иш олиб борасиз».

Ўз-ўзидан маълумки, халк ҳокимияти ўз тақидирини ўзи белгилашга асло монелик қилмайди, балки унинг қонуний натижасидир. Аммо ягона партиянинг яққа, ялпи ҳокимлиги шароитида бу факат бир нарсани, у ҳам бўлса ҳокимият, сиёсат бутунлай марказ қўлида бўлишини аниқларди. Ҳаёт буни тасдиқлади. Марказнинг Туркистондаги вакиллари ваколатини тасдиқловчи сон-саноксиз мандатларда улар Туркистон ўлкасида Халк Комиссарлари Советининг декрет ва қарорлари ўз вақтида аниқ бажарилишини «назорат» қилиб туришлари зарурлиги алоҳида таъкидланади. Эливава, Кобозев ва Киселевлардан иборат биринчи муваққат комиссия Туркистонга жўнаб кетаётганда, унга дарҳол қўйидагича ваколат берилган эди: «Комиссия мансабдор шахсларни суд жавобгарлигига тортиш ва совет ишларига тўсик бўлаётган ташкилотларни тарқатиб юборишга қавқулодда ҳуқуқлардан фойдаланади. Туркистондаги маҳаллий ва вилоят Совет муассасалари комиссия фармойишларини бажаришлари мажбурийдир».

Турккомиссия, Марказий Қўмитанинг Туркистон Бюроси ва ҳоказоларнинг ваколати янада қучли ва кенг эди. Партия сиёсатидаги мана шундай қўпдан-қўп қарама-қаршиликлар миллатларнинг ўз тақидирини ўзи белгилаш ва мустақилликнинг асосий қонун-қоидалари қуруқ сафсатага айланиб қолишига олиб келган.

В. И. Лениннинг А. А. Иоффега ёзган машҳур хатини олайлик: «Маҳаллий халқларнинг ишончини қозониш, қозонганда ҳам уч ва тўрт қара қозониш, бизлар империалистлар эмаслигимизни, буржуа империализми томонига оғиб кетишга асло йўл қўймаслигимизни исботлаш бизнинг бутун жаҳоншумул сиёсатимиз учун қоят муҳимдир.

Бу — жаҳоншумул масала, муҳолагасиз, жаҳоншумул масаладир.

Бу масалада жуда қатъий бўлиш керак.

Бунинг Хиндистонга, Шарққа таъсири бўлади, бу масала билан ҳазиллашиб бўлмайди, бу масалада минг ҳисса эҳтиёткор бўлиш лозим».

«Миллатлар тўғрисидаги «ёки «автономлаштириш» тўғрисидаги масалага доир» мақоласида эса В. И. Ленин бундай деб ёзади: «Мен миллий масала тўғрисидаги асарларимда: «умуман миллатчилик ҳақида масалани абстракт тарзда қўйиш мутлақо ярамайди», деб ёзган эдим. Эзувчи миллатнинг миллатчилиги билан эзилган миллатнинг миллатчилигини, қатта миллатнинг миллатчилиги билан қичик миллатнинг миллатчилигини фарқ қилмоқ лозим». (В. И. Ленин, ТАТ, 45-том, 402-бет).

Аммо назарий сиёсат билан амалий сиёсат ўртасидаги чуқур зиддият қайта-қайта ўзини кўрсатаверади. Махаллий большевик раҳбарлар ҳар қадамда иккиланишга, ноаниқликка, дудмаликка, баъзида эълон қилинган қонун-қоидаларни очикдан-очик бузиш ҳолларига дуч келавердилар. Чунончи, 1920 йил 8 июнда Амир Олимхон Бухоро амирлигининг Москвада элчихонасини очиш ҳусусида ташқи алоқалар халқ комиссари Г. Чичеринга хат юборди. Бироқ Бухоро Компартияси МКнипг аъзолари ва шахсан МК раиси Нажиб Хусайнов ушбу фойдали ташаббусни йўққа чиқариш мақсадида марказга телеграмма юбордилар.

Кўкон мухториятини тарқатиб юбориш чоғида «хаддан ошилганлигини», яъни тинч аҳолига қарши тўплардан ўқ узилганлигини кўплаб раҳбарлар тан олган. Д. И. Манжара бу иш хатолик эди, деб ҳисоблаб, хотираларида шундай ёзади: «Мухториятчилар жойлашиб олган эски шаҳарни қуршал олиб... тўпга тутдиқ, кейин эса қуролланган дашноқларни ва бошқа отрядларни ишга солдик. Натижада, босқинчилик ва зўравонлик бошланди, бундан мухториятчиларга нафакат ҳеч қандай алоқаси бўлмаган, балки ҳатто уларга қарши бўлган аҳоли азоб чекди».

Бунга яна шуни қўшимча қилиш мумкинки, умуман, кўп ҳолларда қўшин декретга амал қилмасди. Масалан, М. Фрунзе бошчилигида Бухорога ҳужум қилинганда шундай бўлди. Бу ва шунга ўхшаш воқеалар содир бўлишига сабаб қизил қўшин қисмлари аҳолининг шовинизм дардига дучор бўлган табақаларидан тузилганлигидир. М. Фрунзенинг ўзи қайд қилганидек, «деҳқончилик ўлкасида пролетариатнинг соф диктатураси амалда бир ховуч европаликларнинг мусулмонлар оммаси устидан диктатурасидир».

Масалани ҳал қилиш учун Туркистонда шовинизм дардига дучор бўлган айрим раҳбарларни чақириб олиш ва қизил қўшин сафларини «ёт унсурлардан тозалаш», давлат, совет ва ҳарбий қурилишда адолат ўрнатиш, мутаносибликка амал қилиш зарур эди.

Туркистон делегацияси деб ном олган Т. Рискулов бошлиқ давлат арбоблари гуруҳи 1920 йил майида Москвага мана шу масала юзасидан борган эди. Делегациянинг мақсади марказ самарали ҳал қила олмаётган ўз муаммоларини фаоллик билан ҳал қила оладиган мустақил федератив Турк Шўро жумҳуриятини тузиш ҳусусида марказ билан музоқара олиб бориш эди.

Делегация фаолияти ҳақида гап бошлашдан аввал ҳақиқий аҳволга берилган батафсил баҳога яна бир бор қайтиш фойдадан ҳоли бўлмас. Бу баҳо ҳамма жихатдан бўлмаса-да, кўп жихатдан Сиёсий бюро ва Халқ Коомиссарлари Свети Туркистон Комиссиясидан олган маълумотларга ўхшаш эди. Фақат улардан турлича ҳулоса чиқарилди.

Т. Рискулов Туркистон компартиясининг III ўлка съездида сўзлаган нутқида изтироб билан бундай деган: «Партиядош ўртоқларимиз бутун мусулмон пролетариатидан шубҳаланадилар. Ерли аҳолига нисбатан бўлган муносабат мана шундай нуқтаи назарга асосланади. Баъзи жойларда партия дружиналари тузила бошлаган эди, уларнинг қуролини олиб қўйдилар. Лекин айни замонда, айтишларича, билмадим, бу ҳақиқатми ёки иғвоми, ўлдирилган босқинчиларнинг бири партия гувоҳномаси бўлган ўртоғимиз экан.

Партиядош ўрис ўртоқларимиз ҳеч қандай чора кўрмаганлар...

Фаргонага борганимизда, партиядош ўртоқларимиз кўркинчли ҳаёт ҳақида гапириб бердилар. Улар «биз уларни зориқиб кутдик», дедилар. Мусулмонлар ҳамма жойда қаршиликка учрамоқдалар ва тан олинмаяптилар.

Тўғри, Фаргонада мусулмон депутатлар бор, уларнинг ҳеч қандай нуфузи ёки таъсири йўқ. «Биз ҳеч нарса қила олмаёғимиз, бизларни мажлислардан ҳайдаб чиқариб юбормоқдалар», дейишди мусулмонлар бизга. Бундан ташқари, уларга қамал қўямиз, деб дўқ қилмоқдалар. Мана шундай шароитда, мусулмонлар оммасининг партияга ва совет ҳокимиятига муносабати қандай бўлиши мумкин!

Боз устига талончиликни ҳам қўшиб қўйиш керак. Мусулмонларнинг бор-йўғини тортиб олмақдалар, тортиб олибгина қолмай, ўлдирмоқдалар ҳам. Бизнинг аскарлар ҳимоя қилиш ўрнига таланмоқдалар ва ўлдирилмоқдалар, жиноятнинг изни йўқотмоқдалар. Қишлоқларда аҳоли даҳшатга тушиб қочиш кетяпти. Ва ўғрилар тўдаси қўпайиб борапти, лекин қимдир партиямас, қизил қўшин зўравонлик қиляпти, деб эътироз билдириши мумкин. Аммо партия раҳнамо. Барча ҳокимият ташкилотларига партиявий ўртоқлар раҳбарлик қилишяпти, лекин улар аҳволни яхшилаш учун ҳеч қандай чора кўрмаёптилар. Уларнинг ҳомийлиги остида, ҳамма жойда ичкиликбозлик ва номаъқул ишлар авж оляпти, бинобарин, партия мана шулар учун айбдор, албатта. Мен бир мажлисда бўлдим, унда эътирослар авжига чиқди. «Агар улар шундай қиладиган бўлсалар, биз ниҳоят уларни бу ердан ҳайдаб юборамиз», дейишди партиядош ўртоқларимиз мусулмонлар ҳақида. Маълум бўлишича, сайлов вақтида мусулмонлар ўзлари ҳурмат қилган ва ўзларини ҳам ҳурмат қиладиган ўрисларга қисман овоз берганлар.

Мусулмон пролетариати ўрислардан ёрдам сўрайди, аммо улар биз сизларга ишонмаймиз, деб жавоб бермоқдалар. Мусулмонларни қийнамоқдалар, уларни ҳатто отиб ташламоқдалар, бинобарин, мусулмон пролетариати икки ўт орасида қолди, яъни бир томондан ўрислар унга ишонмаяпти, иккинчи томондан эса ўғрилар тўдаси таҳдид соляпти. Бизда ҳали-ҳанузгача мусулмон ва мусулмон бўлмаганларга бўлиш сакланиб келяпти.

Мусулмонлар — миллатчилар, деган ҳақорат эшитсалар, қандай қилиб бизга нисбатан дўстона муносабатда бўлсинлар. Биз ўзимиз уларни миллатчи қиляпмиз».

Диккат қилинса, ҳокимиятнинг ўзи қандай қилиб ўзига душман орттирганининг моҳияти бу нутқда аниқ очиқ берилган. Худди мана шу — Халқнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тан олмайдиган сирли қудрат аслида ўша йилларда казаклар, Антоновнинг кўзғолонларига, Кронштадт исёнига, кейинчалик эса янада даҳшатли воқеаларга олиб келди. Тўғри, у вақтда Сталин давригача, партия минбаридан ҳали воқеаларни ўз номи билан аташ мумкин эди. Бинобарин, Т. Рискулов мана шу имкониятдан мардона фойдаланиб, халқ номидан ҳукумат билан халқ ўртасида пайдо бўлган қиндан ҳам фойдавий ихтилофни таърифлаб берди: «Ўртоқлар, биз қамбағал мусулмонлар Николай замонида ваҳший ҳайвон аҳволида қандай бўлган бўлсак, ҳозир пролетар ҳукуматимиз даврида ҳам худди шундай, ҳатто ундан баттар аҳволдамиз, гарчи мана шундай аҳволда Совет ҳокимиятига

каршилик килмай, имкони борича, унга ёрдам бераётган бўлсак-да, шундай ахволдамиз. Биз зулматда оч-ялонгоч яшаб, итдек кафансиз ўлиб кетаётганимизга ким айбдор? Аммо мен айбдорни тўғридан-тўғри кўрсатиб бера олмайман, мен бундай дейман: Коммунистлар программаси жуда макбул ва тўғри программа, бизнинг ҳокимият вакиллари нима сабабдан унга амал килмайдилар, буни мен билмайман, чамаси, улар билмаганларидан ёки жўрттага кўзни чирт юмиб шундай киладилар, устига-устак, улар программага қарши қурашамиз, дейдилар, шу бахона билан боримизни тортиб олиб, ўз ҳамёнларини қаппайтира бошладилар. Нахотки, ҳокимият программаси шундай бўлса? Бундай эмас, албатта... мен зарарқунанда бойлар ҳақида гапираётганим йўқ, аммо мисол учун, бир камбагал пролетарнинг битта оти ва араваси бор эди, юк ташиб оиласини боқарди. Кизил аскарлардан биттаси келиб, ҳеч қандай ҳақ тўламасдан, отини тортиб олади, бунинг қасофатига унинг оиласи оч-ялонгоч қолади. Нахотки, шу ҳам программага мувофиқ бўлса? Бойларни шилиш бахонасида шаҳардаги 84000 аҳолининг ҳаммасини шилишган. Шу тўғрими, ахир? Намангандан келтирилган молнинг ҳаммаси, ҳатто қулфгача мусодара қилинган: Нахотки, шунча мол ениб кетган ёки бошиданок сотила бошлаганидир?

Баъзи кишиларни қуролнинг бор, деб айблаб ҳибсга олганлар. Қуролни топа олмаганларидан кейин ва маълумот йўқлиги сабабли озод қилганлар, 5—10 минг жарима солганлар. Бу пул қайсига кетган, советларнинг ҳазинасигами ёки қиссагами? Агарда қиссага қирган бўлса, сизнингча бу тўғрими?

Ҳокимиятни ишончли ҳокимият деб биламан, аммо мана шу ҳокимият ҳокимлари бўлмиш ўртоқлар аслида нима қилдилар? Улар фақат ўзларининг ўринсларини ажратиб олиб, ҳимоя қилдилар, яхши едириб-қирдилар, яхши қийинтирдилар, ўз уйларини бегоналарнинг тортиб олинган шойи мато ва бошқа қимматбаҳо буюмлари билан беқарор қилдилар, биз мусулмонларга нима қаромат кўрсатдилар? Едириб-қирдиларми? Йўқ. Қийинтирдиларми? Йўқ. Агар қийинтирилганларида, камбагаллар яланғоёқ юрмасди, агар едириб-қиртилганларида, минг-минглаб очлар ўлмасди. Бизникиларнинг нимаси қолди?

Йиртик-ямок кўрпа-тўшагидан бошқа ҳеч қанча қолмади.

«Фаргона вилоят революцион комитетининг Фаргонанинг меҳнатқаш аҳолисига қайириги»да бир ярим йилдан буён босмачиларнинг қароргоҳи тўдалари Фаргона вилоятини тилка-пора қилди, улар Фаргонанинг тинч фуқароларини ҳонавайрон қилмоқдалар, ўлдирмоқдалар, зўрламоқдалар. Бизнинг Кизил қўшин қисмлари, ўз навбатида, ҳар доим ҳам ўз нуфузини сақлай олмай, тинч аҳолига қарши қилмоқдалар», дейилган»...

Бундай ҳаддан ошиш ва суиистеъмоликларни Ю. Папоровнинг мақоласида келтирилган мисоллар ҳам тасдиқлаб турибди. Унда шундай дейилади: «Фаргона фронтининг қўмондони ўртоқ Коновалов босмачиларнинг қароргоҳи тўғрисида маълумот олгач, Бозорқўргонга йўл олади ва йўл-йўлакай отряди ҳақида босмачиларга хабар бериб қўйишидан қўриқиб, йўлда дуч келган барча ўзбекларни отиб ташлайди. Отряд, чиндан ҳам, Бозорқўргон атрофида босмачиларга дуч келади ва улар билан жанг қилади. Ўртоқ Коновалов кета туриб, Бозорқўргон билан қўшни бўлмиш Никосльск қишлоғи аҳолисини,

23 кун давомида Никольск кишлоғи аҳолиси Бозоркўргонни «тозалайди». «Тозалаш» шундан иборат бўладики, аввал факат талашади, кейин эса аҳолини ота бошлашади, эркакларни босмачиларга хайрихоҳликлари учун, болаларни келгусида босмачи бўлиб етишишлари мумкин бўлганлиги учун отишади...»

Ҳақиқатан ҳам, ушбу фактлардан кўз юмиб бўлмайди, баъзи фактлар умумий ҳулосаларга зид келади, уларни рад этади. Аммо муҳим фактларнинг канчадан канчаси, ҳақиқат ярим асрдан кўпроқ вақт давомида яшириб келинган бир шаритда, тарихий ҳақиқатни тўла-тўқис тиклаш учун ошкор қилинишини кутиб ётибди.

1920 йил май-июнь ойларида Туркделегация В. И. Ленин ва бошқа раҳбарлар билан музокара олиб борди, ўз таклифларини баён қилди. Таклифларнинг моҳияти қуйидагича эди:

Бутун ҳокимиятни батамом, Конституцияга мувофиқ, туб аҳоли меҳнаткашларига бериб, Турккомиссияга, революцион ҳарбий кенгашга раҳбарликдаги ҳар қандай кўп босқичликка чек қўйиб, Туркфронт революцион ҳарбий кенгашининг ҳуқуқларини чеклаб, буларни амалда бажариш керак.

Делегация яна:

а) Туркистонда мусулмонларнинг қучли Қизил қўшинларини тузиш ҳамда қулоқлардан тузилган барча Қизил қўшин қисмларини зудлик билан қуролсизлантиришга киришиш ёки уларни бошқа фронтларга ўтказиш.

б) Турк республиканинг Ҳарбий комиссарлигини тиклаб, унга Қизил Қўшинни ҳисобга олиш, сафарбар қилиш, тузиш ва ўқитишни топшириш... Туркистон ҳудудида қисмларни факат туб аҳолидан тузиш;

в) Турк республикада бутун ҳокимиятни Советлар съездига, Турк МИКга ва Халқ Комиссарлари Советига топшириш;

г) «Турккомиссияни» тугатиш;

д) Туркистонга мусулмонлардан ҳарбий ва сиёсий ходимлар юбориш; Марказдан Туркистонга юборилаётган ходимлар Туркистон ўлка партия комитети ва Туркистон Марказий ижроия комитети ихтиёрига ўтиши зарур деб билди.

Бу ерда гап асосан ҳокимият ваколатларини жумҳурият билан марказ ўртасида бўлиш ҳақида боради, ҳар ҳолда делегация Москвага иккала томон учун ҳам мақбул қарорга қилиш учун борган.

Хўш, қандай қарорга қелинди?

Авваламбор, иккинчи томоннинг ҳам фикрини эшитишди. 1920 йил 25 майда РКП(б) МКнинг Сиёсий бюроси Я. Э. Рудзутакнинг «Туркистондаги аҳвол тўғрисида»ги маърузасини эшитди. Н. П. Крестинский, Ш. Э. Элиава, Г. З. Чичерин, Н.

Наримоновлардан иборат комиссия тузилди. Орадан бир ой ўтгач, яъни 1920 йил 22 июнда РКП(б) МКнинг Сиёсий бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида Рискулов гуруҳининг «Туркистон жумҳурияти тўғрисида»ги лойиҳасини кўриб чиқди, лойиҳа жиддий танқидга учради. Аслида, кўрсатиб ўтилган комиссия тузган сиёсий бюро

карори лойихаси устига 13 июндаёк Ленин: «Менимча, Рискулов лойихасини рад этиш ва комиссия лойихасини қабул қилиш лозим», деб ёзган. Ундан аввалроқ эса мана бу диққатга сазовор фикр-мулоҳаза ва таклифларни ҳам илғари сурган:

Туркистонда Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети, Халқ Комиссарлари Совети ва РКП(б) Марказий Комитетининг вакиллигидан иборат доимий орган бўлиши зарур, бу орган зиммасига қуйидаги вазифалар юк-ланиши лозим:

- а) федерал ҳокимиятнинг тўла ҳуқуқ доирасига қирадиган соҳаларни бевосита бошқариш;
- в) марказий ҳокимиятнинг директива ва декретларининг амалга оширилиши устидан назорат қилиш, шунингдек, маҳаллий иқтисодий ва маиший шаротларга мувофиқлаштириш мақсадида, бу директива ва декретларни тўхтатиб қўйиш ёки ўзгартириш».

Шунингдек, қуйидагилар таклиф қилинган: «Туркистон Комиссиясига Туркистон ХКС ва Туркистон МИК билан қелишиб мунтазам иш олиб бориш мажбурияти юклансин... Улар билан «қелишилсин» ва барча (ёки асосий) жанжалли масалалар Марказий Комитет ва Бутунроссия МИКга киритилсин: Ҳуқуқлар доирасининг кенгайишини (ишларда қатнашиш ва ҳоказоларни) таъминловчи бир қанча амалий чоралар қўрилсин». «Рухонийларга, панисломизмга ва буржуа-миллатчилик ҳаракатига қарши кураш усулларини» алоҳида ишлаб чиқиш зарурлигини қўрсатиб ўтилади. Шундай қилиб, план ҳам, бюджет ҳам, озиқ-овқат масаласи ҳам марказ ихтиёрида. Марказнинг йўл-йўриқлари маълум шарт-шароитларда «мувофиқлаштирилади», ҳолос, жанжалли масалалар эса яна «юқорида» ҳал қилинади...

Бўлиниш масаласига келсак, 1920 йил июнда ёзилган «РКП(б)нинг Туркистондаги вазифалари тўғрисидаги масала юзасидан РКП(б) МК Сийёсий бюроси қарорининг лойихаси»да Ленин «республикани уч қисмга бўлиш олдиндан ҳал этилмасин», деб маслаҳат беради.

Бироқ иттифокнинг тузилиши масаласи нихоят етилганда, В. И. Ленин 1922 йил 31 декабрда бундай деб ёзган эди.

«Шу билан бирга, ана шу ишларнинг ҳаммаси натижасида, Советларнинг қелгуси съездида, орқага қайтиш мумкин, яъни совет социалистик республикалари иттифоқини фақат ҳарбий ва дипломатик жихатдангина сақлаб қолиб, бошқа ҳамма жихатдан эса айрим халқ комиссарларининг тўла мустақиллиги тикланиши мумкин, шунинг учун бу тўғрида асло олдиндан, бундай бўлмайди, деб сўз бериб қўймаслик керак...» (В. И. Ленин. ТАТ, 45-том, 405-бет.)

Турар Рискулов бошлик «Турк делегацияси»нинг марказ билан сийёсий ва иқтисодий муносабатларни ўзташган ҳолда, миллий мустақилликни қўлга киритиш юзасидан олиб, борган ҳаракатлар, мулоқотлари шу йўсинда хотималанди. Унга сўнгги нуқтани эса Сталин қўйди...

Изох: Туркистон Комиссияси бюджетини тасдиқлашдан олдин РСФСР Молия халк комиссарлигининг розилигини олади. Колган барча масалаларни хал этиш Туркистон Марказий ижроия комитетининг ва Халк Комиссарлари Советининг тўла ихтиёридадир.

Пирмат ШЕРМУХАМЕДОВ,
«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1991 йил.